

**ТУКЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИК
ЖАРАЁНИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Бобомуротов Тожиддин Ғайбуллоевич, Докторант
ТТЕСИ, (+99890) 972-43-53,
t.bobomurotov86@mail.ru

Хакимов Шеркул Шергозиевич,
т.ф.д., профессор

Агзамов Мирхосил Мирсалихович,
PhD доцент

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация:

Мақолада тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнининг таҳлили келтирилган. Пахтани ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан уруғлик чигит табиий кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнлари унинг табиий кўрсаткичларига таъсир қилади. Бугунги кунда технологик жараённи пухта ўрганиб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Калит сўзлар: уруғлик чигит, тукли уруғлик чигит, технологик жараён, ЧСА чигит тозалаш ва саралаш агрегати, 5ЛП линтери.

Аннотация:

В статье представлен анализ технологического процесса подготовки волокнистых посевных семян. Повышение урожайности хлопка во многом зависит от природных особенностей посевных семян. Процессы подготовки посевных семян влияют на их природные показатели. На сегодняшний день, актуальным вопросом является тщательное изучение технологического процесса.

Ключевые слова: посевное семя, волокнистое посевное семя, технологический процесс, семя очистительно-сортировочный агрегат ЧСА, линтер 5ЛП.



Abstract:

The article presents an analysis of the technological process of preparing fibrous sowing seeds. Increasing cotton yields largely depends on the natural characteristics of the sowing seeds. The processes of preparing sowing seeds affect their natural characteristics. Today, a pressing issue is a thorough study of the technological process.

Keywords: sowing seeds, fibrous sowing seeds, technological process, seed cleaning and sorting unit ЧСА, 5ЛП лinter.

Уруғлик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлашни илмий асосланган тавсиялар асосида олиб бориш уруғлик чигитнинг табиий кўрсаткичларини оширишнинг бош омилидир.

Уруғлик учун экилган пахта майдонларидаги барча тадбирлар табиий кўрсаткичлари юқори бўлган уруғлик чигит олишга асосланган.

Дунёнинг кўп мамлакатларида уруғлик чигитлар туксизлантирилган ҳолатда экилади. Ўзбекистонда эса уруғлик чигитларнинг 50% дан кўпроғи дала майдонларига тукли ҳолида ҳам экилади. Бунинг асосий сабаби республиканинг ер-иқлим шароитларидир [1].

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида уруғлик чигит тайёрлаш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Уруғлик чигит уч кўринишда – тукли, туксизлантирилган ва кам тукли ҳолда тайёрланиши мумкин [2].


Уруғлик чигит ишлаб чиқаришда илғор замонавий технологиялар сифатли уруғлик фондини олиш имконини яратувчи ихтисослаштирилган цехларда қўлланилади [3].

Технологиянинг номукамаллиги, машиналарнинг эскирган ва техник даражасининг пастлиги, технологик қайта ишлаш қоидаларига риоя этмаслик экиш сифатининг пасайишига, уруғларнинг катта миқдорда йўқотилишига олиб келади.

Уруғлик чигит тайёрлашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун машиналарни танлаш нафақат уруғлик чигит етиштирувчи кластер хўжаликлари мутахассисларини, балки уларнинг фаолияти уруғлик чигит ишлаб чиқарувчилар ва тузилмаларда ҳам қизиқиш уйғотади.



Тукли уруғлик чигит тайёрлаш жараёни куйидаги асосий амаллардан иборат: чигитни ифлосликлардан ва ташқи аралашмалардан тозалаш, уларни саралаш, дорилаш, қадоқлаш ва қопларга жойлаш. Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида асосий маҳсулот сифатида тукли дориланган уруғлик чигит олинади. Шунингдек техник чигит, саралаш чиқиндилари ва чигитларнинг таркибида калта момиклардан тозалаш ва саралашдаги чиқиндилари ҳам олинади. 1-расмда тукли уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган замонавий технологик ускуналарнинг ўрнатилиш кетма-кетлиги кўрсатилган.



1 – УПС қабул қилиш бункери; 2 – ЧСА агрегати; 3 – МЧТ механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмуасига киради); 4 – циклон; 5 – тукли чигит саралаш ва тозалаш машинаси; 6 – БДОС бункер тозалагич; 7 – дорилагич; 8 – ифлос ҳавони тозалаш қурилмаси; 9 – чигитни ўлчаб қоплаш аппарати; 10 – қоп тикиш машинаси; 11 – элеваторлар; 12 – 5ЛП линтери; 13 – йиғувчи винтли конвейер; 14 – тақсимловчи винтли конвейер.

1 – расм. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимининг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси.


Жиндан чиққан чигитларнинг тукдорлигини 6-8 % гача тушириш 5ЛП линтер машиналари ёрдамида амалга оширилади. Линтер машиналаридан ўтказилган уруғли чигитларни тозалаш ва саралаш эса ЧСА русумли тозалаш ва саралаш агрегатида амалга оширилади. Тозаланган ва сараланган уруғлик чигит дорилаш машинасида дориланиб, тарозида тортилиб қадоқлаш аппаратида қопларга қадоқланади ва қопларнинг оғзи тикилиб, тайёр маҳсулотлар омборига жўнатилади [1, 2].



Тукли уруғлик чигит тайёрлаш цехининг иш унумдорлигини маълум бир тавсия этилган миқдорда бўлишини таъминлаш учун технологик жараёнга УПС чигит қабул қилиш бункери тадбиқ этилган. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш цехининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида тозаланган ва сараланган уруғлик чигитни вақтинча йиғиб туриш ва уни дорилашга меъёрда узатиш учун цехда БДОС бункер-меъёрлагичлари ўрнатилади.

Тукли уруғлик чигит тайёрлаш цехининг иш унумдорлиги тукли дориланган чигит бўйича - 3000 кг/с гача етади.

2-расмда технологик ускуналарнинг уруғлик чигит тайёрлаш цехида жойлашиш схемаси кўрсатилган.



1 – УПС қабул қилиш бункери; 2 – ЧСА чигит тозалаш ва саралаш агрегати; 3 – ВЦ-8 вентилятор; 4 – СП-3 циклони; 5 – СП-6 циклони; 6 – ВС-10 вентилятор; 7 – 5ЛП линтери; 8 – тукли чигит саралаш ва тозалаш машинаси; 9 – БДОС бункер дозалагичи; 10, 16 – элеватор; 11 – чигит дорилаш машинаси; 12 – чигитни ўлчаб қолаш аппарати; 13 – тасмали транспортёр; 14 – коп тикиш машинаси; 15, 17 – шнек; 18 – қувурлар.

2 – расм. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш цехидаги технологик ускуналар жойлашиши схемаси.

Уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келинди.

- уруғлик чигитни тозалаш-саралаш, туксизлантириш ва дорилаш ишлари соҳа ходимларидан жиддий масъулиятни талаб қилади. Шунингдек, унучанлик, ифлослик, намлик ва механик шикастланганлик каби табиий кўрсаткичлари давлат стандартлари талабларига мос бўлиши керак.



- уруғлик чигитни тозалаш-саралаш, туксизлантириш ва дорилаш технека ва технологияларида замон талабига мос келадиган уруғли чигитларни олиш учун уларнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Бугунги кунда, сифатли уруғлик чигит тайёрлаш жараёнларининг давлат стандарти талаблари асосида бажарилиши кейинги йил учун юқори унумдорликдаги уруғлик жигит олишга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича қўлланма. “Пахтасаноат ilmiy markazi” АЖ, Тошкент – 2019й. –Б. 219-221.
2. Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти (PDI 22-2010). “Пахтасаноат ilmiy markazi” ОАЖ, Тошкент – 2010й.
3. Уруғлик чигитнинг келишилган нархларини ҳисоблаш услубияти (PDI 71-2017). “Пахтасаноат ilmiy markazi” АЖ, Тошкент – 2017й.
4. Е.Зикрийёевнинг умумий таҳрири остида “Пахтани дастлабки қайта ишлаш” (ўқув қўлланма). Тошкент – “Меҳнат” – 2002й.
5. Т.Бобомуротов, Ш.Хакимов, М.Агзамов. Делинтерлаш технологик жараёнида иштирок этувчи машиналарнинг таҳлили. Илмий-амалий анжуман тўплами. II -қисм, 2023й. –Б. 444-446.
6. Т.Бобомуротов, Ш.Хакимов. Пахта чигитидан калта момикни ажратиш жараёни муаммолари. Илмий-амалий анжуман тўплами. I-қисм, 2023у. –Б. 287-289.
7. Т.Бобомуротов, Ш.Хакимов. Пахта чигитидан калта момик ажратиш жараёнини таҳлили. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. I-қисм, I, II – шўбалар, 2022й. –Б. 172-175.

